

БУХОРО МУХАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 03/28.02.2022.Т.101.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО МУХАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

РУСТАМОВ ЭЛЁР САМИЕВИЧ

ЎРИК МЕВАСИ ТАРКИБИДАГИ НАМЛИК ЧИҚИШИНИ
ПОҒОНАЛИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ АСОСИДА ҚУРИТИШ
ЖАРАЁНИНИ ТАКОМИЛАШТИРИШ

02.00.16-Кимё технологияси ва озиқ-овқат ишлаб чиқариш жараёнлари ва
аппаратлари

Диссертация химоясиз ихтиро патенти асосида техника фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD) илмий даражасини бериш бўйича

ТАҚДИМНОМА

Бухоро-2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси** хузуридаги Олий аттестация комиссиясида **B2019.2.PhD/T1066** ракам билан рўйхатга олинган.

Иш Бухоро муҳандислик-технология институтида бажарилган.

Такдимнома Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.bmti.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

Илмий рахбар:

Джурраев Хайрулло Файзиевич
техника фанлари доктори, профессор

Такдимнома химояси Бухоро муҳандислик-технология институти хузуридаги DSc.03/28.02.2022.T.101.01 ракамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «11» Феврал соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200117, Бухоро шаҳар, Қ.Муртазоев кўчаси, 15-уй. Тел.: (99865) 223-78-84; факс: (99865) 223-78-84; e-mail: bmti_info@edu.uz).

Такдимнома билан Бухоро муҳандислик-технология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№41 раками билан рўйхатга олинган). Манзил: 200117, Бухоро шаҳар, Қ.Муртазоев кўчаси, 15-уй. Тел.: (99865) 223-78-84.



Н.Р. Баракаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси
т.ф.д., профессор

Р.Р. Хайитов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби
т.ф.д., кат.ил.ход.



КИРИШ (тақдимнома аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини комплексли қайта ишлаш орқали импорт ўрнини босувчи, қуритилган мева ва сабзавотлар ишлаб чиқариш саноатида юқори даражада ўсиш кузатилмоқда. Мева ва сабзавотларни қуритишда энергия сарфи юқори, мураккаб конструкцияли қурилма ва аппаратлардан фойдаланиб келинмоқда. Шунга кўра, қишлоқ хўжалик хом ашёларини комплексли қайта ишлашга, паст ҳароратли иссиқлик бериш тизими асосида ишловчи, маҳсулотнинг бутун ҳажми бўйича намликнинг бир меъёردа чиқишини таъминлашга асосланган замонавий техника ва технологияларни яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда замон талабига мос мева ва сабзавотларни қуритишга мўлжалланган, сифатли қуритилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг жараён ва қурилмаларини яратиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шунга кўра, қуритилаётган маҳсулотларнинг табиий, физик кимёвий хоссаларини сақлаш имконини берувчи, ўрик мевасига босқичма босқич паст ҳароратли ишлов беришга мўлжалланган замонавий қуритиш техника ва технологияларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “...ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантириш, саноатни модернизация ва диверсификация қилиш, амалиётга кам сарфли энергия тежамкор усулларни қўллаш, озиқ-овқат маҳсулотларини хавфсизлигини таъминлаш, импорт ўрнини алмаштирувчи рақобатбардош ва экспортбоб маҳсулотларни тайёрлаш”¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, ўрик меваси таркибидаги намликни чиқариб юборишда поғонали қуритиш усулини қўллаш, самарали босқичма – босқич ишлов бериш тизимига асосланган энергия тежамкор қуритиш қурилмаларининг янги конструкцияларини ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги, 2018 йил 12 январдаги 24-сон «Илмий-инновацион ишланма ва технологияларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этишнинг самарали механизмларини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 29 июлдаги ПҚ-4406-сон “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2019 йил 14 мартдаги ПҚ-4239-сон “Мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 2018 йил 16 январдаги ПФ-5303-сонли “Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармон ва қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони

тегишли бошқа меъерий-хукукий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси” дастури бўйича бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мева ва сабзавотларни қайта ишлаш, қуритиш жараёнидаги техника ва технологиялар ҳамда моддаалмашинув қонуниятларини тадқиқ қилиш масалаларини ечиш бўйича хорижлик олимлардан D.J.Yellot, S.Srivastava, M.R.Spotts, A.D.Singh, P.F.Waltrich, А.В.Лыков, А.С.Гинзбург, Б.М.Азаров, Б.С.Сажин, Г.И.Касьянов, Л.Я.Ауэрман, В.В.Кафаров, П.А.Ребиндер, В.А.Лашков, В.В.Красников, Р.Г.Сафин, Г.К.Филоненко, Ю.А.Михайлова, П.Д.Лебедева, С.Г.Ильясов, М.П.Волярович, Н.А.Воскресенский, И.Н.Владавец, А.Н.Вышелесский, А.Головкин, Н.А.Панфилов, А.В.Горбатов, В.С.Грюнер, В.С.Баранов, Э.А.Гуйго, А.И.Жаринов, Ю.С.Заяц, С.В.Некрутман, Ю.М.Плаксин, И.А.Роговлар ўз хиссаларини қўшишган. Шунингдек ўзбек олимларидан Н.Р.Юсупбеков, А.Артиқов, Д.Н.Мухитдинов, Х.С.Нурмухамедов, Дж.П.Мухиддинов, Ж.М.Қурбанов, Қ.О.Додаев, Р.А.Ҳайитов, Х.Ф.Жўраев ва бошқа олимлар илмий ишлар олиб боришган.

Улар томонидан қуритиш жараёнининг назарий асослари, мева ва сабзавотларни қуритишга мўлжалланган технологияларни қўллаш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Шу билан бирга жаҳон миқёсида мева ва сабзавотларни қуритишнинг устувор йўналишлари ҳисобланган - конвекция, ўта юқори частотали, ИҚ нур майдонида, вакуум остида қуритиш бўйича бир қатор тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда.

Ўрик мевасига босқичма-босқич, поғонали ишлов бериш тизимига асосланган, маҳсулот қатламларидаги намликнинг юза томон силжишини жадаллаштирувчи самарали қуритиш тизимини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқот ишлари тўлиқ ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаларининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро муҳандислик-технология институти илмий тадқиқот ишлари режаларининг 2017-2018 йилларда мўлжалланган ОТ-А4-07- “Полиз экинларига ишлов беришда янги экспортбоп маҳсулотлар олишни ресурстежамкор технологиясини яратиш”, ИТД-6-078 - “Мева ва сабзавотларни комплекс қайта ишлашда чиқиндисиз, энергияни тежайдиган инновацион технологияларни ишлаб чиқиш” мавзусидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади босқичма –босқич энергия беришга асосланган ўрик мевасини қуритишнинг янги усулини ишлаб чиқиш ҳамда қуритиш жараёни ва аппаратини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қишлоқ-хўжалик маҳсулотларини қуритишга мўлжалланган қурилмаларнинг конструкцияси ва қуритиш жараёнининг таъсир қонуниятларини тизимли таҳлил асосида тадқиқ қилиш;

ўрик мевасига ИҚ-нурланган энергиянинг мақбул тўлқин узунлиги диапазонида, юқори босим остида ва босимни лаҳзали тушириш ҳамда конвекция таъсирида ишлов беришга асосланган поғонали қуритиш усулини тадқиқ қилиш;

қуритилаётган ўрик меваси таркибида кечадиган гидромеханик, фазалараро иссиқлик-моддаалмашинув қонуниятларини ўрганиш;

ўрик мевасининг капилляр ғовак структурасидаги суюқлик томчиларининг ҳаракати ва унинг юза томон силжишини жадалаштирувчи, поғонали ишлов беришга асосланган ресурс-энергиятежамкор қуритиш жараёни ва аппаратини такомиллаштириш;

ўрик мевасини поғонали қуритиш жараёнининг математик моделини ишлаб чиқиш;

таклиф этилаётган қуритиш усулини ишлаб чиқариш саноатида синовдан ўтказиш, унинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини аниқлаш ва самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида қишлоқ хўжалигида етиштириладиган ўрик меваси олинган.

Тадқиқотнинг предмети ўрик мевасини поғонали қуритиш тизимига асосланган қурилма ва жараённи жадалаштиришнинг технологик параметрлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Технологик тизимнинг иерархик структураси асосида механик, гидромеханик, иссиқлик ва моддаалмашинув қонуниятларининг таҳлили, математик моделлаштириш, тажриба натижаларини кўп факторли режалаштириш, қайта ишлаш, олинган натижаларни таққослаш, жараён давомида таъсир этувчи параметрларнинг ўзгаришини визуал назорат қилиш ҳамда қуритиш техника ва технологиясининг назарий асосларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўрик мевасини қуритишда сиқилган атмосфера босимининг таъсир қонуниятларини аниқлаш учун тажриба-синов қурилмаси ишлаб чиқилган;

тайёр маҳсулотнинг сақланиш муддатини ошириш ва оргоналептик кўрсаткичларини яхшилаш учун ўрик мевасини 15÷20 дақиқа 0,2÷0,4 фоизли лимон кислотаси эритмасида ишлов бериш режими ишлаб чиқилган;

сиқилган атмосфера босимининг 0,2÷0,8 МПа чегараларида ўрик мевасини қуритиш жараёнининг кинетикаси аниқланган;

атмосфера босимининг мақбул диапазони (0,6÷0,8 МПа) да ишлов бериш ва босимни лаҳзали тушириш усулини қўллаш орқали 4÷5 дақиқа давомида ўрик

меваси таркибидаги намлик миқдорини $10\div 13\%$ га тушириш режими асосланган;

ўрик мевасини поғонали қуритиш жараёнининг математик модели ишлаб чиқилган;

ИҚ-нурланган энергиянинг мақбул тўлқин узунлиги диапазонида, юқори босим остида ва босимни лаҳзали тушириш ҳамда конвекция таъсирида ишлов беришга асосланган, ўрик мевасининг капилляр ғовак структурасидаги суюқлик томчиларининг ҳаракати ва унинг юза томон силжишини жадалаштирувчи ресурс-энергиятежамкор қуритиш жараёни ва аппарати такомиллаштирилган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўрик мевасининг капилляр-ғовак структурасидаги намлик миқдорини юза томон ҳаракатини жадалаштиришга асосланган, ИҚ-нур майдонида ҳамда юқори атмосфера босими остида ишловчи қуритиш қурилмаси ишлаб чиқилган;

қуритиш жараёнининг энергия самарадорлигини ошириш ҳамда маҳсулотнинг бутун ҳажми бўйича намликнинг бир меъёрга чиққишини таъминлаш мақсадида ИҚ-нур майдонида ишлов беришнинг импульсли режими ва сиқилган атмосфера босимининг таъсир чегараси $0,6\div 0,8$ МПа диапазонда бўлиши асосланган;

ўрик меваси таркибидаги $10\div 13\%$ эркин намликни $4\div 5$ дақиқа давомида чиқариб юборишга йўналтирилган, юқори босим остида ишловчи қуритиш жараёнининг мақбул тизими ишлаб чиқилган;

маҳсулот таркибидан намлик чиқишини жадалаштирувчи поғонали ишлов бериш тизимининг оптимал параметрлари асосида қуритиш жараёни ва қурилмаси такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қуритиш қурилмасини конструктив лойиҳалашда Solid Works дастуридан фойдаланилганлиги, қуритилаётган маҳсулот ҳажми бўйича иссиқлик, моддаалмашинув қонуниятларининг асосланганлиги, технологик жараёни математик моделлаштиришда замонавий дастурий таъминотлардан фойдаланилганлиги, ишлаб чиқариш саноатида ҳамда тажрибалар асосида олинган натижаларнинг назарий натижаларга мослиги, амалга оширилган тадқиқот ишининг ишлаб чиқаришга жорий қилиниши билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўрик мевасининг структуравий тузилиши ва хоссаларининг таҳлили асосида босқичма босқич иссиқлик бериш тизимига асосланган, маҳсулот таркибидан намлик миқдорининг чиқишини жадаллаштирувчи самарали қуритиш усулини ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўрик мевасини қуритиш учун ИҚ-нурланган энергиянинг мақбул тўлқин узунлиги диапазонида, юқори босим остида ва босимни лаҳзали тушириш ҳамда конвекция таъсирида ишлов бериш усулини танлаш, оптимал режимлардан фойдаланиш, поғонали қуритиш

курулмасининг энергетик самарадорлигини оширишга, қуритилаётган маҳсулот таркибидаги фаол моддаларни сақлаб қолишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўрик мевасинининг бутун хажми бўйича бир меъёрда намлик чиқишини таъминловчи қуритиш жараёни ва қурилмасини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

юқори босим остида ишлов бериш ва лаҳзали тушириш режимида ўрик мевасини сувсизлантиришга мўлжалланган қуритиш қурилмаси «SABINA SUMAYA PLUS» МЧЖда жорий қилинган (Ўзбекистон Озиқ-овқат саноати уюшмасининг 2021 йил 8 октябрдаги 08-119/1021-сон маълумотномаси). Натижада, такомиллаштирилган қуритиш усулини қўллаш орқали 4-5 минут мобайнида маҳсулот таркибидаги намлик миқдорини 10÷13% тушириш имконини берган;

ИҚ-нурланган энергиянинг мақбул тўлқин узунлиги диапазонида, юқори босим остида ва босимни лаҳзали тушириш ҳамда конвекция таъсирида ўрик мевасини сувсизлантиришга асосланган қуритиш қурилмаси “LIVADIYA BUKHARA” МЧЖда амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Озиқ-овқат саноати уюшмасининг 2021 йил 8 октябрдаги 08-119/1021-сон маълумотномаси) Натижада, ўрик мевасини қуритиш тизимида энергия сарфини 1,5 марта, қуритиш жараёнининг давомийлигини 1,8 марта камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий конференцияларда маъруза қилинган ҳамда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 14 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий журналларда 5 та мақола, 3 таси хорижий журналларда, 2 таси республика журналларида чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг 1 та ихтиро учун патенти ва дастурий таъминот учун 3 та гувоҳнома олинган.

ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг «Ўрик мевасини қуритиш усули» (№IAP 06748, 2022 й.) ихтиро патенти.

Фойдаланиш соҳаси: озиқ-овқат саноати, меваларни қайта ишлаш соҳаси.

Вазифаси: Сифат кўрсаткичлари яхшиланган тайёр маҳсулот (ўрик мевасининг қуритилган ярим бўлаги (баргак, кайса) олишнинг муқобил усулини таклиф қилиш.

Ихтиро моҳияти: самарали, энергия ресурс тежамкор қуритиш усулини ишлаб чиқиш.

Маълумки, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қуритишда бир неча усулларнинг қўлланилиши юзасидан бир қатор тадқиқотлар амалга

оширилган. Шунга кўра, ўрик мевасини инфрақизил нур ёрдамида қуритиш усули мавжуд бўлиб, бу қуйидаги жараёнлар таъсирида амалга оширилиши кўрсатиб ўтилган:

донагидан ажратилган ўрик меваси 2÷4 дақиқа давомида буғ билан, ҳамда олтингугурт кислотаси ёки натрий бисульфитнинг 0,5% эритмаси билан ишлов берилиб, 40 Вт қувватга эга СФ-4 инфрақизил лампалари билан қуритгичда қуритилади;

меваларни қуритиш тизимида "босимни ташлаш" принципи қўлланилган бўлиб, бунда маҳсулот атмосферадан юқори босим (4,2 МПа)да ва 22°C ҳароратда суюлтирилган карбонат ангидрид билан тўйинтириш, суюлтирилган газни қайнатиш ва маҳсулотни паст ҳароратгача совутиш, ҳамда босимни "бир зумда ташлаш" амалга оширилиши натижасида намликни чиқариб юбориш усули қўлланилган;

қуритишнинг яна бир усули маълум бўлиб, бунда меваларнинг маълум шаклга кесилган намуналари 100°C дан юқори ҳароратларда иссиқлик билан ишлов берилади, сўнгра 105 минут газ муҳитидаги (тахминан 1,5 МПа) юқори босимли камерада 105°C ҳароратда сақланади, шундан сўнг босим атмосфера босимидан паст 0,9 атм (0,09 МПа) босимгача 30 сония давомида туширилиши таъминланиб қуритиш жараёни амалга оширилади.

Юқорида қайд этилган қуритиш усуллари қўллаш орқали, қуритиш давомийлигини қисқартириш масаласи ўз ечимини топган бўлсада, аммо ушбу қуритиш усулларида кўп энергия сарфланганиши, минус 35°C ҳароратда қуритиш тизимини ташкил этиш учун технологик схемаларининг мураккаблиги, 100°C дан юқори ҳароратда қуритиш жараёнини амалга оширилиши эса маҳсулот таркибидаги биологик фаол моддаларнинг йўқолишига, оксил моддасининг денатурацияланишига, натижада эса маҳсулот сифатининг тушишига олиб келади.

Шунингдек, таклиф этилаётган, поғонали, босқичма-босқич циклда ўрик мевасини қуритиш жараёнини жадаллаштиришга асосланган, такомиллаштирилган қуритиш жараёни ва қурилмасининг ишлаш принципига яқин бўлган иккинчи бир қуритиш усули таҳлил қилинди. Ушбу таҳлил қилинган қуритиш усулида ҳам ИҚ ишлов бериш режими қўлланилиб, маҳсулот 50-60% концентрацияли шакар қиёмида 45-50°C ҳароратда 2,5÷3,0 соат давомида сақланади. Сўнг маҳсулот ИҚ-конвектив усулда ҳаво ҳарорати 60-65°C ва нурланиш оқими зичлиги 2,0÷2,25 кВт/м² тўлқин узунлиги 2,8 мкм бўлган шароитда қуритилади. Аммо, ушбу қуритиш усулида кўп энергия талаб этилади. Чунки маҳсулотга дастлабки ишлов бериш режимида ҳамда асосий қуритиш жараёнида ҳам ИҚ нурдан фойдаланилади.

Маълумки, қуритиш техника ва технологияларини экспериментал тадқиқ қилиш, маҳсулотларга иссиқлик ишлови бериш давомида моддаалмашинув, масса бериш қонуниятларини назарий тадқиқ қилиш ва

асослаш бўйича бир қатор илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Аммо, паст ҳароратли, маҳсулот ички капилляр ғовак структурасидаги суюқлик томчиларининг ҳаракатини жадаллаштириштирувчи қуритиш усулларини тадбиқ этиш бўйича етарлича тадқиқот ишлари олиб борилмаган. Шунга кўра ихтиронинг вазифаси сифат кўрсаткичлари юқори бўлган ўрик мевасини қуритишнинг мақбул усулини қўллаш ва экспортбоб қуритилган маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобланади.

Юқорида келтирилган камчиликларни бартараф этиш ҳамда тадқиқот ишида белгиланган вазифаларни бажаришга қаратилган қуритиш усулининг моҳияти қуйидагича изоҳланади. Ушбу усул ўрик мевасини поғонали равишда қуритиш жараёнининг босқичларидан ташкил топган. Шунга кўра ўрик мевасини саралаш, ювиш, икки бўлакка бўлиб данагидан ажратиш, концентрацияси 0,2-0,4% бўлган лимон кислотаси муҳотида ишлов бериш, инфрақизил нур ёрдамида импульсли, юқори босим таъсирида ушлаб туриш ва босимни лаҳзали тушириш режимларида сувсизлантириш, сўнг эса конвекция усулини қўллаш орқали мувозонат намликгача қуритиш, совутиш ва тайёр маҳсулотни қадоқлаш жараёнларидан иборат (1-расм).

Ўрик мевасига ИҚ-нурланган энергиянинг мақбул тўлқин узунлиги диапазонида, юқори босим остида ва босимни лаҳзали тушириш ҳамда конвекция таъсирида ишлов беришга асосланган поғонали қуритиш жараёни ва қурилмасини такомиллаштириш бўйича экспериментал ва назарий натижалар олинди.

Ўрик мевасини қуритишнинг самарали усули бўйича олинган ихтиронинг вазифаси ва моҳиятини асослашда қуритиш тизимида қўлланилаётган қурилмаларнинг конструкцияси, қуритиш тизимида борадиган моддаалмашинув жараёнлари, патент маълумотлари ўрганилди.



1-расм. Ўрик мевасини қуритишнинг технологик тизими

Таъсир этувчи омилларнинг чегаравий қийматлари, қуритиш жараёнининг ҳар бир босқичидаги жараёнлар таҳлил қилиниб, моделлаштириш ва оптималлаштириш методологияси ишлаб чиқилди.

Ўрик мевасини қуритиш бўйича амалга оширилган экспериментал ва назарий тадқиқотларнинг тўрт босқичли тизими қуйидаги кетма кетликни ўз ичига олади (2-расм).



2-расм. Ўрик мевасини поғонали қуритиш тизимининг босқичлари

Қуритиш жараёнини экспериментал таҳлил қилиш учун тўлиқ факторли эксперимент режаси (1-жадвал) ишлаб чиқилиб, бир қатор натижалар олинди

1-жадвал


Таъсир этувчи омилларнинг (P, t_m, δ) ўлчовсиз ифодаси (x_1, x_2, x_3) бўйича эксперимент режаси

№	Кўрсаткичлар	$P, \text{МПа}$	x_1	$t_m, ^\circ\text{C}$	x_2	$\delta, \text{мм}$	x_3
1	Максимал	0,8	+1	65	+1	6	+1
2	Минимал	0,2	-1	50	-1	2	-1
3	Ўртача	0,6	0	57	0	4	0

Биринчи босқич - ўрик мевасини ювиш, тозалаш, органолептик ва эластиклик хоссасини яхшилаш учун 15-20 дақиқа давомида 0,2-0,5 фоизли лимон кислотаси эритмасида ишлов беришнинг мақбул режими ишлаб чиқилди.

Иккинчи босқич - ИҚ нурнинг 1,1 мкм тўлқин узунлиги диапазонида ўрик мевасининг капилляр ғовак структурасида ёриқлар ҳосил қилиш, моддаалмашинув жараёнини жадаллаштириш учун инфрақизил нур майдонининг импульси $\tau_2 = +45 - 20 + 25$ режимда ишлов бериш.


Тўртинчи босқичда эса ИҚ-нурнинг 2,8 мкм тўлқин узунлиги диапазонида конвектив қуритиш усулини амалга ошириш, маҳсулот намлигини мувозонат намлик (20-22%)гача тушириш цикли. Ушбу босқич учун тажриба қурилмаси (3-расм) ишлаб чиқилиб, таъсир этувчи параметрларнинг чегаравий қийматлари аниқланди (4, 5-расмлар).



3-расм. Тажриба қурилмаси


1- корпус; 2- қурилманинг олди, ён ва орқа томонининг кўриниши; 3- тагликни йўналтирувчи мослама; 4-тагликлар; 5-иситувчи элементлар; 6- вентилятор; 7- воздуховод; 8 – ҳавони тарқатувчи; 9 – тумблер; 10 –шибер.

Маҳсулотни дастлабки (иккинчи) босқичда қисман сувсизлантириш ҳамда сўнги (тўртинчи) босқичда конвектив қуриштиш жараёнини амалга оширишга мўлжалланган тажриба қурилмаси.



4-расм. ИҚ майдон таъсирида маҳсулотга импульсли режимда ишлов беришнинг схемаси:

бу ерда: τ_1 - маҳсулотга импульсли режимда ИҚ ишлов бериш давомийлиги, с; U_1, U_2 - маҳсулотнинг бошланғич ва ишлов беришдан сўнги намлик даражаси, кг/кг; q -иссиқлик оқими зичлиги, Вт/м²; λ -тўлқин узунлиги, мкм, t_0, t_1 –маҳсулотнинг бошланғич ва ишлов беришдан сўнги температураси, °С.




5-расм. Қуриштиш жараёнининг тўртинчи босқич схемаси (ИҚ-конвекция усули)

бу ерда: $\chi_{\text{ҳаво}}$ -атмосфера ҳавосининг дастлабки намлик даражаси, кг/кг; $G_{\text{ҳаво}}$ -атмосфера ҳавосининг сарфи, кг/с; t_0 – атмосфера ҳавосининг бошланғич температураси, °С; ϕ - иситилган ҳавонинг нисбий намлиги,%; W_1, W_2 - қуриштиш камерасидаги маҳсулотнинг бошланғич ва мувозанат намлиги, %; $G_{\text{ис.ҳаво}}$ -иситилган ҳавонинг сарфи, кг/с; t_1 -иситилган атмосфера ҳавосининг бошланғич температураси, °С; $\chi_{\text{кам}}$ – қуриштиш камерасидаги ҳавонинг намлик даражаси, кг/кг; $V_{\text{кам}}$ - камерадаги ҳаво ҳажми, м³; t_2 - маҳсулотнинг температураси, °С.


Учинчи босқич – цилинрик шаклга эга, герметик маҳкамланган махсус қуриштиш камерасида 4-5 минут давомида сиқилган юқори атмосфера босими муҳитида ўрик мевасига ишлов бериш ва камерадаги босимни вақт бирликлари ичида лаҳзали тушириш циклига асосланган қуриштиш қурилмаси

(6-расм) ишлаб чиқилиб, таъсир этувчи омилларнинг чегаравий қийматлари қуйидагиларни ташкил этади. (7-расм).



6-расм. Юқори атмосфера босими остида ўрик мевасига ишлов беришнинг тажриба қурилмаси

1-Қуритиш камераси, 2-манометр, 3-термометр, 4-намуна қўйиладиган поддон, 5-босимни бўшатиш трубкаси, 6-компрессор,



7-расм. Маҳсулотни қуритишда юқори босим остида ишлов бериш ва босимни лаҳзали тушириш босқичининг схемаси.


Ҳосил қилинган босим чегараси 0,2-0,8 МПа, Маҳсулотни камерага жойлаштириш учун кетган вақт 30 с; Босимнинг таъсир давомийлиги 4-5 минут; Босимни лаҳзали туширишга кетган вақт 3 сек; Ажралиб чиққан намлик миқдори 10-13%; Маҳсулотга умумий ишлов бериш давомийлиги ўртача 5 минутни ташкил этади.

бу ерда: τ_1 - ишчи камерада ҳосил қилинган босимнинг давомийлиги, мин; P - камерадаги босим, МПа; t_0, t_1 – маҳсулотнинг бошланғич ва ишлов беришдан сўнги температураси, $^{\circ}\text{C}$; U_1, U_2 - маҳсулотнинг бошланғич ва ИҚ ишлов беришдан сўнги намлик даражаси, кг/кг; U_3 - маҳсулотнинг босим остида ишлов берилгандан сўнги намлик даражаси, кг/кг; φ - атмосфера ҳавосининг нисбий намлиги, %.

Олиб борилган тажриба тадқиқотлари асосида қуритиш жараёнининг 4 босқичли цикли бўйича ўрик мевасини қуритиш кинетикаси тадқиқ қилинди. Олинган натижалар 8-расмда келтирилган. Расмдан кўришиб турибдики, қуритиш тизимининг иккинчи босқичида ўрик мевасига 90 сек ишлов бериш давомида намлик миқдори 78% дан 75 фоизга тушиши кузатилди.


Сиқилган атмосфера босимида ишлов бериш режимида эса ўрик мевасининг намлиги 75 фоиздан 62 фоизга тушиши, ИҚ-конвекция усулида

эса 62 фоиздан мувозонат (20%) намликгача тушганлигини кўриш мумкин. Ўрик мевасининг ярим бўлаги бўйича умумий қуритиш вақти 4,5-6 соатни ташкил этади.



8-расм. Погонали энергия бериш босқичларида ўрик мевасини қуритиш жараёнининг эгри чизиғи

Қуритиш жараёнида борадиган моддаалмашинув қонуниятига мувофиқ шуни таъкидлаш керакки, ИҚ нурнинг таъсири натижасида маҳсулот қатламлари бўйича температура ўзгариши юзага келиб, намлик градиентини ҳосил қилади. Ушбу қонуниятни қуйидаги графикдан кўриш мумкин (9-расм).



9-расм. Импульсли ишлов бериш режимида маҳсулот температурасининг ўзгариши.

Расмдан кўриниб турибдики, импульсли ишлов бериш жараёнининг дастлабки 40-50 сонияларида маҳсулот температурасининг қисман кўтарилиши ва камайиши кузатилди. Бу шуни кўрсатадики маҳсулот

қатламларидаги намлик юза томон силжиши туфайли қатламлар аро намлик градиенти ҳосил бўлади.

Олинган натижаларни қайта ишлаш орқали маҳсулотнинг критик намлиги W , қуритиш жараёни даврлари бўйича қуритиш тезлигининг N ўртача қийматлари ҳамда қуритиш коэффициентини K ҳисоблаш учун қуйидаги регрессион тенгламалар олинди:

$$W = 48,3 - 4,625x_1 - 0,125x_2 + 2,875x_3 + 1,375x_1x_2 + 1,375x_2x_3 - 0,125x_1x_3 + 0,875x_1x_2x_3$$

$$N = 0,97 + 0,088x_1 + 0,01x_2 - 0,0362x_3 - 0,0412x_1x_2 - 0,0287x_2x_3 - 0,00375x_1x_3 - 0,0212x_1x_2x_3$$

$$K = 0,91 + 0,0925x_1 + 0,05x_2 + 0,0175x_3 + 0,02x_1x_2 + 0,015x_2x_3 + 0,0025x_1x_3 + 0,01x_1x_2x_3$$

Қуритиш жараёнининг кинетик қонуниятларини тавсифловчи математик ифодаларни олишда экспериментал ва назарий натижалар таҳлил қилинди. Шунга кўра, ўрик меваси сферик ҳажмга эга деб қаралиб, ундаги намликнинг силжиш қонуниятлари, қуритиш жараёнининг ўзгармас тезлик даври учун тадқиқ қилинди. Маҳсулот таркибидаги эркин намликнинг бир қисмини чиқариб юбориш учун қуритиш камерасидаги маҳсулотга юқори босим остида таъсирни амалга ошириш ва босимни лаҳзали тушириш босқичидаги моддаалмашинув қуйидагича изоҳланади:

ишчи камерада ҳосил қилинган босим таъсирида структураси суюқлик томчиларидан ташкил топган капиллярлар ҳажмининг ўзгариши юзага келади;

ҳосил қилинган босимни лаҳзали тушириш амалга оширилганда босимлар фарқи туфайли ички қатламдан ташқи қатлам томон намликнинг силжиши содир бўлади.

Бунда ишчи камерада ҳосил қилинган ҳавонинг нисбий намлигини, маҳсулотнинг бутун ҳажми бўйича ажралиб чиқаётган нам ҳавонинг намлик даражасини инобатга олсак, у ҳолда маҳсулот ҳажми ва ишчи камерадаги модда бериш ва моддаалмашинувни идеал аралашуш модели сифатида қараш мақсадга мувофиқ, яъни:

$$\frac{dU}{d\tau} = P \cdot \left[\frac{\partial^2 U(\nabla \tau_p)}{\partial r^2} \right] \cdot \rho_x \cdot P_x \cdot V_x \cdot \frac{dx(\tau)}{d\tau} + \frac{dy(\tau)}{d\tau} + \frac{dz(\tau)}{d\tau} + \rho_m \cdot V_m \cdot \frac{dU_m(\tau)}{d\tau} = G_x \cdot G_m \cdot [(X_2 - X_1) - (U_1 - U_2) \cdot \tau], \quad (1)$$

бу ерда: ρ_x, P_x, V_x - камера ичидаги ҳаво зичлиги, босими ва ҳажми; ρ_m, V_m - маҳсулот зичлиги ва ҳажми; G_x, G_m -ҳаво ҳамда маҳсулотнинг сарфи; X_1, X_2 - ҳавонинг бошланғич ва қуритиш жараёнидан сўнги нам сақлаши, кг/кг; U_1, U_2 - маҳсулотнинг бошланғич ва ишлов беришдан сўнги намлик даражаси, кг/кг; τ -қуритиш вақти, мин; τ_p -босимни таъсир этиш давомийлиги, мин.

Қуритиш жараёнининг кинетик қонуниятини таҳлил қиладиган бўлсак, ишчи камерада ҳосил қилинган босимни лаҳзали тушириш орқали

маҳсулотнинг бутун ҳажми бўйича намликнинг силжишини координаталар системаси орқали ифодалаш мумкин. Чунки ёпиқ камерада ҳосил қилинган босим маҳсулотнинг бутун юзасига тенг таъсир этиши туфайли, маҳсулотнинг бутун ҳажми бўйича намликнинг чиқишини таъминлайди.

Сферик шаклга эга бўлган ўрик мевасининг масса ўтказувчанлик тенгламасини қуйидагича ифодалаймиз.

$$\frac{\partial u(r,\tau)}{\partial \tau} = k \left[\frac{\partial^2 u(r,\tau)}{\partial r^2} + \frac{2}{3} 2Rh \frac{\partial u(r,\tau)}{\partial r} \right], \quad (2)$$

бу ерда: k - намлик ўтказувчанлик коэффиценти, $\text{м}^2/\text{с}$.

Маҳсулотнинг ўртача нам сақлаш даражасини қуйидагича ифодалаймиз:

$$U_{\text{ўр}}(\tau) = \frac{3}{R^3} \int_0^R U(r,\tau) dr, \quad (3)$$

Маҳсулотнинг бутун юзасидан ажралиб чиқаётган намлик миқдори, маҳсулот марказидан юза томон силжиётган намликнинг тезлигига боғлиқ.

$$\rho_{\text{қ.м.}} \cdot V_{\text{қ.м.}} \frac{dU_{\text{ўр}}(\tau)}{d\tau} n F_M k \frac{\partial u(r,\tau)}{\partial r} \quad (4)$$


бу ерда: $\rho_{\text{қ.м.}} \cdot V_{\text{қ.м.}}$ - куруқ маҳсулот зичлиги, $\text{кг}/\text{м}^3$; ва ҳажми, м^3 ; n - бир м^2 юзага жойлаштирилган яримталиқ ўрик мевасининг сони; F_M - қуритиш камерасидаги маҳсулотнинг бутун юзаси, м^2 ; r - маҳсулот заррачасининг ички координатаси, м .

Маҳсулотнинг бутун юзаси бўйича намликнинг чиқишини инобатга олиб, маҳсулот қатламлари бўйича модда тарқалишини ҳамда температура тақсимотини тавсифловчи дифференциал тенгламани қуйидагича ифодалаймиз:

$$\frac{\partial U_{\text{қ.м.}}}{\partial \tau} = a_m \frac{\partial U_{\text{қ.м.}}}{\partial x} + \frac{\partial U_{\text{қ.м.}}}{\partial y} + \frac{\partial U_{\text{қ.м.}}}{\partial z} + \delta_T \cdot a_m \cdot \frac{\partial T_{\text{қ.м.}}}{\partial x} + \frac{\partial T_{\text{қ.м.}}}{\partial y} + \frac{\partial T_{\text{қ.м.}}}{\partial z} \quad (5)$$

бу ерда: $U_{\text{қ.м.}}$ - маҳсулот куруқ зонасининг нам сақлаши, $\text{кг}/\text{кг}$; a_m - модда ўтказиш коэффиценти, $\text{м}^2/\text{с}$; δ_T - нисбий термодиффузия коэффиценти, $1/\text{К}$; $T_{\text{қ.м.}}$ - маҳсулот куруқ зонасининг температураси, К .

Олиб борилган назарий тадқиқотлар асосида, қуритилаётган маҳсулотнинг бутун ҳажми бўйича бир хил босимни ҳосил қилиш ва уни лаҳзали тушириш босқичли қуритиш жараёни ва қурилмаси такомиллаштирилиб, қуритиш жараёнини ифодаловчи математик модель ишлаб чиқилди. Ўрик мевасини поғонали қуритиш жараёнини математик моделлаштириш этаплари қуйидагиларни ўз ичига олади:



10-расм. Ўрик мевасини қуритиш жараёнининг “қора қути” модели

Маҳсулот таркибидан ҳавога ажралиб чиқаётган намлик миқдорини қуйидагича аниқлаш мумкин:

$$\Delta q = \kappa \cdot V \cdot a_0 \quad (8)$$

Моддий баланс тенгламасидан фойдаланиб, қуруқ маҳсулот миқдорини қуйидаги ифода орқали аниқлаймиз:

$$m_0 \cdot (1 - a_0) = m(1 - a) \quad (9)$$

Бу ерда қуруқ маҳсулот массаси қуйидагига тенг:

$$m = \frac{1-a_0}{1-a} \cdot m_0 \quad (10)$$

(8),(9),(10) тенгламалардан фойдаланиб, тенгламалар системасини ҳосил қиламиз:

$$\begin{cases} a = \frac{m_0 \cdot a_0 - \Delta q}{m} \\ m = \frac{1-a_0}{1-a} \cdot m_0 \\ \Delta q = \kappa \cdot V \cdot a_0 \end{cases} \quad (11)$$

(11) тенглама қурилманинг статик математик моделини тавсифлайди:

Қурилманинг статик моделидан фойдаланиб, параметрларнинг маълум бир белгиланган вақт оралиғида ўзгаришини аниқлаш учун, динамик моделни тузамиз. Қурилмада вақт бирлиги ичида маҳсулот таркибидан ажралиб чиқаётган намликнинг ўзгаришини аниқлаш учун (11) тенгламадан фойдаланиб жараённинг вақт бўйича динамик инерционлик ифодасини қуйидагича ифодалаймиз:

$$W(p) = \frac{k}{\tau \cdot p + 1}$$

$$\begin{cases} a = \frac{m_0 \cdot a_0 - \Delta q}{m} \cdot W(p) \\ m = \frac{1-a_0}{1-a} \cdot m_0 \\ \Delta q = \kappa \cdot V \cdot a_0 \\ W(p) = \frac{k}{\tau \cdot p + 1} \end{cases} \quad (12)$$


бу ерда: $W(p)$ -инерция бўғини бўйича Лаплас ўзгартиргичлиги; $k = 1$ – инерция бўғинининг кучайтириш коэффициентини; $\tau = 0.1 \dots 10$ инерция бўғинининг вақт доимийси.

Олиб борилган назарий тадқиқотлар ҳамда қуриштиш жараёнини математик моделлаштириш орқали қуриштиш камерасида маҳсулотнинг бутун ҳажми бўйича намликнинг ўзгариши тадқиқ қилинди. Бунинг учун қуриштиш камерасида ҳосил қилинган босимнинг турли қийматлари, таъсир этиш давомийлиги ҳамда босимни лаҳзали тушириш босқичларида вақт бирлиги бўйича намлик ўзгаришини ифодаловчи эгри чизиқлар олинди (11-


расм). Қуритиш камерасида ҳосил қилинган босимнинг турли қийматларида ва таъсир этиш давомийлиги бўйича маҳсулот таркибидан намликнинг ўзгариши ҳар хил қийматни ташкил этади. 11-расмдан қуриниб турибдики, $P=0,4\text{МПа}$ босим таъсирида маҳсулот таркибидан 4÷5 дақиқада 3,8-4 фоиз миқдорда, босимнинг $P=0,6\text{МПа}$ қийматида 9-10 фоизгача, $P=0,8\text{МПа}$ босим оралиғида эса 10-13 фоизгача намликни чиқиши юзага келиб, масса бериш коэффициентини вақт бирлигида камайиб бориши кузатилди (12-расм).

Ўрганилаётган қуритиш тизимида динамик жараённи ҳисобга олиб, маҳсулот таркибидан вақт бирлигида ажралиб чиқаётган намлик миқдорининг ўзгаришини дифференциал тенглама орқали тасвирлаш мумкин. Ушбу дифференциал тенгламани қуйидагича ёзиш мумкин.

$$T \frac{da}{dt} + a = k \cdot a \quad (13)$$



11-расм. Лаҳзали босим таъсирида маҳсулот намлигининг вақт бирлигида ўзгариши



12-расм. Лаҳзали босим таъсирида маҳсулотнинг масса бериш коэффициентининг ўзгариши.

